

В статье раскрывается связь стихотворения «Народное слово» И.Юсупова с народным творчеством, а также описывается основы происхождения народного творчества. Пословицы-поговорки были трансформированы писателем и мастерами переделаны принимая во внимание художественные связи. Систематизированные поэтические единицы превратили работу в произведение искусства.

The article depicts the roots of becoming folk poems and relation of folk with I.Yusupov's poem «Khalk so'zlar» (People's words). Proverbs and sayings which used poet in his works transformed and in balance with original version recreated. With combination of poetic devices made the great composition.

ЎЗБЕК ВА ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ НАҚЛЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАХЛИЛИ
(«Биринчи бало» ва «Бир бәлеси болмаса, шүдигарда балық не жесин!» нақллари мисолида)
С.Б.Бекчанова - филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: ўзбек ва қорақалпоқ фольклори, нақл жанри, қиёсий, атома.

Ключевые слова: узбекский и каракалпакский фольклор, жанр “притча” (нақл), сравнительный, термин.

Key words: Uzbek and Karakalpak folk, proverb genre, comparative, term.

Туркий халқлар фольклорини қиёсий-типология тарзда ўрганиш халқ ижодиётига хос жанрларнинг шаклланиши ва миллий асосларини ўрганишда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Оғзаки насрни тадқиқ этиш бўйича эришилган ютуқлар ўзбек ва қорақалпоқ халқ насрининг жанрий табиати ва бадииятини ёритишга ёрдам беради. Жумладан, Ғарб ва рус фольклоридаги *притча* деб аталмиш жанрга функционал жиҳатдан ўхшаш бўлган туркий халқлар оғзаки поэтик ижодидаги *нақл* жанрининг қардош ва қондош ўзбек ва қорақалпоқ халқлари фольклоридаги ўзига хослигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Нақл жанри ўзбек ва қорақалпоқ фольклоршунослигида фақат шу халққа дахлдорлик жиҳатлари нуктаи назаридан ўрганилган бўлиб, унинг ўзига хос жанрий хусусиятлари, генезиси, типологияси, бадиияти ва бошқа туркий халқлар оғзаки ижодидаги нақл жанри намуналари билан қиёсий тахлили каби масалалар ҳанузгача кенг қамровли ўрганилмаган.

Бу бежиз бўлмай, қадимий генетик илдизлари ягона манбага бориб тақаладиган, алоҳида миллат сифатида шаклланиб, ривожланган даврларда ҳам ўзаро маданий ҳамкорлик негизида [3:13] бир-бирининг оғзаки поэтик ижодини тўлдириб, сайқал топишига таъсир этиб борган ва бу жараён ҳозирда ҳам изчил давом этаётган ўзбек ва қорақалпоқ фольклори жанрлар таркиби, наинки миллий, балки муштарак хусусиятларга ҳам эга экани нақл жанри мисолида ҳам ўз тасдиғини топади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ижтимоий соҳани, жумладан, адабиёт ва санъат соҳаларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиш зарурлиги» [1:1] таъкидланган. Бу эса ўз навбатида оғзаки ижод намуналарини нашр этиш, чуқур илмий тадқиқ этиш заруриятини юзага келтириб, айни муаммонинг ечимини топишни бугунги куннинг долзарб вазифалари қаторига қўяди. Шу маънода, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари асрлар давомида ижод қилган оғзаки поэтик сўз санъати намуналари миллий маданиятимизнинг таркибий қисми сифатида чуқур тадқиқ этишни тақозо қилади.

Адабий асарларни қиёслаб ўрганиш дунё адабиётшунослигида XIX асрдан эътиборан кенг қулоч ёзди. Тарихий-қиёсий адабиётшунослик — компаративизм майдонга келди. Тарихий-қиёсий, қиёсий-типология тадқиқ усулларида фойдаланила бошланди. Бироқ, ўзбек фольклоршунослигида бу метод нисбатан кечроқ истифода этилди. Жумладан, Х.Эгамов фольклоршуносликда бу типдаги тадқиқотларни бешта йўналишда амалга ошириш мумкинлигини таъкидлайди: а) маълум бир халқ фольклорининг алоҳида жанрларини қиёсий-типология ўрганиш; б) халқаро қиёсий-типология ўрганиш; в) қиёсий-этнографик ўрганиш; г) лингвистик тадқиқ этиш; д) жанрлараро типология ўрганиш [10:27].

Ўзбек ва қорақалпоқ дoston ва эртақларини немис

тилига таржима қилган олмон профессори К.Райхл зохиран бир-бирига жуда яқин бўлган туркий тилларда ўхшашлик баробарида, талай ўзагачаликлар ҳам мавжуд экани уларни қиёсий-типология ўрганишда намоён бўлишини таъкидлайди. У туркий тилларни ўрганиш жараёнида уларнинг бир-бирига ўхшаш ва фарқли тамонларига ўзагачаликларига алоҳида диққат қаратади. У туркий тилларни қиёслаб ўрганиш қулай ва осон усул эканлигини алоҳида таъкидлайди. «Олдинги даврларда менга туркий тилларнинг кўпчилиги мен учун бирдек кўринар эди. Кейинчалик бу тилларни мукамал ўрганиш натижасида, уларнинг фарқини ажратадиган даражага эришдим» [6:25], деб эътироф қилади. Бундан кўринадики, олмон олими таъкидлаганидек, нафақат тил хусусиятлари, бошқа соҳалар, хусусан, халқ оғзаки ижодида ҳам муштарак ва алоҳидаликлар мавжудлиги, шубҳасиздир.

Ўзбек ва қорақалпоқ халқлари нақллари қиёсий-типология тадқиқ қилишда ижодкор халқнинг миллий-ментал тафаккур тарзи, ижтимоий-маиший ҳаёти, инсон фактори ҳамда атроф-муҳитга муносабати, эътиқодий қарашлари, урф-одат ва анъаналари, бадиий-эстетик тасаввурлар олами назарда тутилади. «Биринчи бало» [2:68] ва «Бир бәлеси болмаса, шүдигарда балық не жесин!» [7:333] нақллари образлар олами негизида қиёсий тахлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Нақл воқеалари ҳар икки халқнинг фольклорида учраса ҳам, намоён бўлишида ўзига хослик кузатилади. Жумладан, I вариантда тасвирланган аёл ўзини кўрсатиб қўйиш мақсадида балиқ воқеасини ўйлаб топади. Персонаж хатти-ҳаракатини қуйидагича изоҳлайди: «Айтишларича, қадим замонда бир содда меҳнатқаш деҳқон ўтган экан. У доим: «Эй Аллоҳ! Бизни сув балосидан ва ўт балосидан қутқар!» — деб тилаб юрар экан. Кунлардан бир куни унинг хотини ҳазиллашиб «Эй, содда эр! Худодан тилаганингда «Хотин балосидан ҳам асрагин», деб қўшиб айт!» — дебди». (I вариант)

Иккинчи вариантда эса эзилган, ҳўрланган аёл қиёфаси намоён бўлади. Бу қарашларга нисбатан аёл шу воқеаларни ўйлаб топади: «Баяғи бир заманларда «Ҳаял затының мийи жоқ, қолынан хеш ис келмейди» деп, ҳаялына кўн бермейтуғын бир жигит болган экен. Кўйеўини бундай кемситиўи жанына тийген ҳаял оған бир сабақ берип қоймақшы болыпты. (II вариант)

Бу мақсад аёлнинг қуйидаги ҳаракатлари билан яқун топади: «Хотин кулибди ва эртаси куни бозордан тўртга балиқ олиб, эри қўш ҳайдайдиган даласига қўшиб қўйибди». (I вариант)

«Солай етип, ҳаял бир кўни қос айдап атырған қўйеўине жарма менен бирге бир қып-қызыл сазанды да қоса алып келипти. Изинен жарма келиўден қўйеўи қосты тоқтатып, атыздың ернегине шығып отырып, жарманы ише баслапты. Сонда ҳаял қўйеўине сездирмей айдалып атырған шүдигарға түсип, қойнындағы сазанды тап пазнаның жүретуғын жерине

көмипти». (II вариант)

«Фольклор асарлари матнида ҳар бир кичик деталь, ҳар бир сўз, ҳатто ҳар бир товушнинг ўз ўрни, поэтик функцияси бор. Шу сабабли матндаги бирор сўз ёки кичик бир детални ўзгартириш, уни ўчириб ташлаш ёки бошқа бир муқобили билан алмаштириш асарнинг фольклорлик хусусиятини йўқотиши табиийдир» [9:128]. Демак, бу қарашлардан шу нарса англашиладики, ушбу нақлларда Ҳоди Зариф таъкидлаганидек, ҳар бир деталь муҳим бир функцияни бажаради. Шу маънода, бир муҳим жихатга алоҳида эътибор бериш керакки, I вариантда аёл балиқларни бир кун олдин эри шудгор қилаётган ерга қўмиб кетади. Балиқлар сони ҳам тўртта бўлади. II вариантда эса аёл эри ер шудгор қилаётган пайтда овқат билан бирга битта балиқ олиб боради. Қизиқ жойи шундаки, овқати ҳам қорақалпоқ миллатига хос бўлган «жарма» (Қарақалпақлар азық-аўқат сыпатында жүвёрининг дәнлерин еки формада: бири дигирманда унтакланган, екншиси дәнли формада пайдаланып келген. Жүвёрининг дәнни қайнатып, дүз салып, қатық пенен араластырып, салқын жерге қойған. Жаздың жезийрама ыссы күнлеринде оны ишкен адам шөлге де, ашылыққа да, ыссыға да шыдамлы болған) олиб боради. Бундан ташқари балиқнинг тури ҳам бу ерда «қып-қызыл» сазан деб аниқ келтирилади.

Этнограф олим Г.П.Снесарев Хоразм воҳасида яшовчи халқлар орасида кенг тарқалган қарашлар хусусида тўхталаркан: Хоразм воҳасида яшовчи халқлар сазан балиққа ўзгача ишонч билан қарашган. Кўпчилик ҳолларда ҳатто илоҳийлаштиришган: унинг кўзи кичик болаларни кўз тегишдан сақлайди, айрим беморларни балиқ билан урса тузалади, балиқни бемор кишининг қорнига қўйиб даволаш мумкин, деган инонч-эътиқодлар, шунингдек ўпка сили билан оғриган беморни қайиққа солиб, Амударё ўртасигача сузиб бориш ва сазан балиқлари сакраб сузган жойни кўрсатиб руҳини кўтариш орқали психологик таъсир этиш йўли билан тузатиш ҳаракатлари, ҳатто балиқ суякларида магик қудрат борлигига ишонч бундан гувоҳлик беради, деган фикрларни илгари суради [7:326].

«Дехқон қўш ҳайдаб турса, омон тагидан балиқлар чиқиб қолибди. У ғоят хурсанд бўлиб хотинини чақирибди» (I вариант).

«Жигит жарманы ишип болып, гүзени ҳаялдың қолына услатып, қосыўлы турған қосқа келип өгизлерге «шуў» деген екен, пазна сазанды көтере шығыпты» (II вариант).

Балиқни топиб олган дехқонларнинг иккаласи ҳам хотинларига ундан овқат пиширишни топширишади. Биринчиси, кечки овқатга балиқни қовуриб кел деса, иккинчиси ундан шўрва пиширишни буюради.

«Хотини «Хўп бўлади», деб балиқни олиб уйига жўнабди. Дехқон ўз иши билан машғул бўлибди. Кеч кирибди. Афсуски, қовурилган балиқдан дарак йўқ эмиш. Дехқон роса чарчаб, қорни очиб уйга келса, хотини ўсма қўйиш билан овора эмиш». (I вариант) Ўзбек аёлларининг қошларига ўсма қўйиш ҳолатлари тасвирланса-да, бу ўринда айрим хотинларнинг ишەкмаслиги, дангасалиги қораланган.

«Қатын балықты алып үйине қайтыпты. Үйге келип балықты аспапты». (II вариант)

Биринчи вариантда йигит балиқ пиширмаганлиги учун хотинини ура бошласа, иккинчи вариантда, уришга чоғланган пайтида хотини қочиб кетади.

«Кўшнilar роса қулишибди ва хотиннинг гапи ростилигига ишонишибди. Ахир шудгорда балиқ бўлмайди-ку! Хотини «эрим тезда ўзига келади, фақат ҳозирча оёқ қўлини боғлаб кетинг», – дебди. Улар бегуноҳ дехқонни роса уриб, оёқ-қўлини боғлаб: «Шундай телба кишига чидаб яшаётганингиз учун

рахмат сизга», – деб чиқиб кетишибди». (I вариант)

«Адамлар оннан «не балык?» – деп сараса, «Мен қос айдап атырғанда пазнаның аўдарған жеринен үлкен бир балық шықты. Соны түсте ас деп үйге қайтарғанман. Ол өз қолы менен алған балығын енди көрмедим дейди», деп қатынын сабамақшы болып умтылатуғын қусайды. Сонда адамлар: «Суў жоқ жерде балық не қылады. Буны сирә жин урган шығар» – деп, оның қол-аяғын байлап таслапты. Ҳаял балықтың басын кесип алып қойнына салып, адамлардың көзиниң тасасын алып, ара-тура оны күйеўине көрсетип алатуғын қусайды. Сонда ол:

Әне балық! Әне! – деп бақыратуғын қусайды.

Оннан кейин адамлар ҳақыйқаттан-да буны жин урган екен деп, енди оның гәпин хешким тыңламапты». (II вариант)

«Эй худо, сув узокда, ўт йирокда! Аввало хотин макридан, кейин ўт ва сув балосидан асрагин! – дебди бечора эр. Хотини қулиб, оилада ўз ўрни борлигини, эрни эр қилувчи ҳамда қаро ер қилувчи ҳам хотин эканлигини айтиб, эрининг қўл-оёғини ечиб, ундан кечирим сўрабди». (I вариант)

«Сол-сол екен, жигит ҳаялын кемситиўди қойып, оннан бираз айбынатуғын болыпты. Ал адамлардың арасында «Шүдигарда балық не жейди», деген ибара-да сонан қалған екен». (II вариант)

Танишганимиздай, икки вариантда дехқоннинг аҳволи икки хил талқин қилинади. I вариантда дехқоннинг телба бўлиб қолиши ўз аёли томонидан айтилса; II вариантда дехқонни «жин урган»лиги унинг хатти-ҳаракатлари асосида қўшнilar томонидан пайқалади.

Шу ўринда, қандай кайфият-ҳолатдаги кимсаларга нисбатан халқ орасида «жин урган» деган қараш амал қилиши хусусида қисқача тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Халқ инонч-эътиқодларига кўра ҳеч ким яшамайдиган эски иморатлар ва харобалар, овлоқ жойларда жин-парилар макон тутади. Бундан ташқари, Ўрта Осиё халқларининг кўпчилиги табиат сирларини яхши билмаслик оқибаотида «киши ёнғоқ, жийда ва тўрангил дарахтлари остида ухлаб қолса, жин қоқиб кетади» [7:27] деб ишонишган. Дехқоннинг хотини ўз қўшнilarини осонгина ишонтириши негизда ана шу ҳолат акс этган.

II вариантда балиқнинг қалласини қўлтиғига тикиб ҳийла ишлатган шаддод хотин қўшнilarга сездирмай уни эрига пинҳона кўрсатиб қўяди. Эрининг «ана балиқ» деб кичқириши алаҳсираш деб қабул қилингани боис, қўшнilar аёлнинг гапларига чиппа-чин ишонишади. Таъкидлаш лозимки, мазкур аёл хатти-ҳаракатларида қорақалпоқ аёл-қизларига хос ҳазилчилик сабабидан келиб чиқувчи комик вазият-ҳолатлар ҳам кўзга ташланади.

Икки қардош халқ, яъни ўзбек ва қорақалпоқ нақллари киёсий-типологияк таҳлил қилиниб, уларнинг ўзига хослиги этномаданий қадриятлар ва фольклор анъаналарининг миллий хусусиятлари асосида шакллланганлиги аниқланди.

Фольклоршунос олимларимиз М.Жўраев ва Ж.Эшонқуловларнинг таъкидлаганидек: «Фольклор асарларининг яратилиши ва оммалашishi жараёни халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, миллий менталитетини акс эттирувчи дунёқараш, анъаналари билан бевосита боғлиқ бўлганлиги боис, фольклорни ўрганишда уни этнографик контекстдан ажратиб таҳлил қилиб бўлмайди» [4:24]. Зотан, ҳар бир миллатнинг ментал белгилари хусусида қорақалпоқ фольклоршунос олими Қ.Мақсотов: «Миллетнинг белгиси тилинде, ўсти-бас кийиминде ҳаттеки жейтуғын аўқатларында да көринеди» [5:8] – деб таъкидлаганида ҳақ эди. Бинобарин, таҳлилға тортилган нақлларда икки қардош халққа хос бўлган

ментал тафаккур ва ҳаёт тарзи, инонч-этикодларнинг белгилари ўз аксини топган.

Марказий Осиё ва Қозғистонда яшовчи туркий халқлар фольклорида нақл жанрининг энг гўзал намуналари мавжуд. Чунки бу халқларнинг тарихий-генетик илдизлари, тили, дини, урф-одат ва анъаналари, маданий қадриятлари ўзаро муштаракдир. Аммо даврлар ўтиши билан муайян ўзига хосликлар ҳам юзага келган. Таъкидлаш керакки, нақлнинг муайян типларини таҳлил қилиш, қиёсий-типологик ўрганиш орқали мазкур жанр генезиси, тарқалиш ареали ва жонли яшаши билан боғлиқ анъаналар ҳам ойдинлашади.

Ўзбек ва қорақалпоқ нақллари бадий хусусиятлари

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси». / «Халқ сўзи». – Тошкент: 2017. 8 февраль.
2. Холмирзаева С. Ақл билан Давлат. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1995. 68-б.
3. Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение (Восток и Запад). – Ленинград: «Наука», 1979. – С. 13.
4. Jo'rayev M., Eshonqulov J. Folklorshunoslikka kirish. -T.: «Barkamol fayz media». 2017. 24-б.
5. Максетов Қ. Дастанлар, жыраулар, бақсылар. – Нөкис: 1992. 8-б.
6. Райхл К. Тюркский эпос: традиции, формы, поэтическая структура. – Москва: «Восточная литература», 2008. – С. 25.
7. Снесарев Г.П. Реликты до мусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: «Наука», 1969. – С. 326.
8. Қарақалпақ фольклоры. 100 томлык. Том. 83. Аўызеки гўрринлар. – Нөкис: «Билим», 2014. 333-334-б.
9. Ҳоди Зариф. «Ўзбек халқ ижоди» кўп томлигига қирадиган асарларни тайёрлаш принциплари. Ислон шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. – Тошкент: «Фан», 1978. 128-142-б.
10. Эгамов Х. Туркий халқлар эртақчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1980.

Мазкур мақола ўзбек ва қорақалпоқ фольклоридagi нақлларни ўрганиш масаласига бағишланган. Бунда асосан ўзбек ва қорақалпоқ фольклоридagi «Биринчи бало» ва «Бир бәлеси болмаса, шүдигарда балык не жесин!» нақл(притча)лари таҳлилга тортилган. Иккала қардош халқ нақллари қиёсий типологик жиҳатдан таҳлил қилиниб, мисоллар асосида хулоса чиқарилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена изучению узбекских и каракалпакских народных притч. В основном анализируются узбекские и каракалпакские народные притчи «Биринчи бало» ва «Бир бәлеси болмаса, шүдигарда балык не жесин!». Переводы двух братских народов были проанализированы сравнительно-типологической точки зрения, и на основе примеров были сделаны выводы.

SUMMARY

This article is devoted to the study of Uzbek and Karakalpak folk parables. The Uzbek and Karakalpak folk parables «Биринчи бало» ва «Бир бәлеси болмаса, шүдигарда балык не жесин!» («First trouble» and «If there is no trouble, how the there is fish!») are mainly analyzed. Translations of two fraternal peoples were analyzed with a comparative typological point of view, and conclusions were drawn based on examples.

ҚАРАҚАЛПАҚ ФӨЛЬКЛОРЫНДА ЛАП ЖАНРЫН ҮЙРЕНИЎДИН АҲМИЙЕТЛИ МАСЕЛЭЛЕРИ

Ж.Бердимуратов - магистрант

Эжинияз атындагы Нөкис мамлекетлик педагогикалык институты

Таянч сўзлар: адабиёт, фольклор, санъат, импровизация, импровизатор, ижрочилар, кизиқчилар.

Ключевые слова: литература, фольклор, искусство, импровизация, импровизатор, исполнители, юморист.

Key words: literature, folklore, art, improvisation, improviser, performers, humorist.

Қарақалпақ халқының мәдениет турмысында халықтың көркем аўызеки дөретпелери: халық қосықлары, ертеклер, аңыз-әпсаналар, жумбақлар, нақыл-мақаллар, терме-толғаулар, дәстанлар рухый азығы болып әуладтан-әуладқа жетип қиятырған бай рухый ғәзийнеси болып табылады. Мине, усы көркем аўызеки дөретпелер әдебиетши алымлар тәрәпинен жыраў-бақсылар, ертеқшилер, әңгимешилер, шежірешилерден, лаққы хәм лапгөйлерден жыйналып, баспасөзде жарияланып, басым көпшилик жанрлар ҳаққында баҳа берилип, арнаўлы илимий жумыслар алып барылды. Бул көркем аўызеки дөретпелердиң жанрлық, идея-тематикалық көркем-эстетикалық дәреклери үйренилди. Усындай бай рухый ғәзийне-миздиң ишинде өз алдына жанрлық түрге ийе болған лап сөзлер ямаса лаплар әдебиеттаныў илими көзқарасынан үйренилмеген жумыслардың бирине елге шекем айланып қалмақта. Лаплар ямаса лап сөзлер-өзиниң дөретіўшилерине ийе көркем әдебий сиз. Оның атқарыўшысы (лапгөй) саз инструментисиз-ақ гөйде гештек-отырыспаларда, байрам сейиллеринде жас жигит-қызларға күлки ойын-заўық инам етиў хәм көркем-эстетикалық тәсир жасаў ушын халықтың мәдениет турмысында жасап қиятырған жанр болып табылады.

Фольклор шығармаларға тән айрықша белгилерди орыс илимпазы А.Н.Веселовский:- «Хәр бир фольклорлық дөретпелердиң өзгешелик айрықшалықлары болады. Негизинде, биз ең алды менен фольклорды синкрет-

қиёсий таҳлили ҳар икки халқ нақлларида хәм атроф-мухит ҳодисалари, инсоннинг тийнати ҳақидаги миллий ва умумбашарий қарашлар ифодаси мохияти талқинларини аниқлашға имкон беради. Ўзбек ва қорақалпоқ нақллари қиёсий-типологик таҳлил қилиш асносида уларнинг муштарак жиҳатлари ва локал хусусиятлари янада ёркинроқ намоён бўлады.

Таҳлил қилинган юқоридаги нақллардан чиқадиган хулоса шуки, инсон хамма вақт инсонийлик қиёфасини йўқотмаслиги, инсоний фазилатларни юқори қўя билиши керак. Нақллардаги воқеалар қайси образларда гавдаланмасин, хаммасида хам эзгу ният, инсонлар орасидаги меҳр-мухаббат ўз ифодасини топган.

тикалық-искусство (өнер) деп қараўымыз шәрт. Оның (фольклордың) бойында халықтың салт-дәстүри, турмысы, театр, сөз, нама және хәр қыйлы формада айтылатуғын қосықлар өнери, атқарылыўы бир-биринен дараланбай, бир тутас түринде көринеди»- деген еди [3:200]. Демек, қарақалпақ фольклорында лап жанры импровизациялық усылар менен дөретилиўи хәм атқарылыўы көзге тасланады. Атқарыўшы яғный лапгөй импровизатор болмаса, ол лап әңгимени қызықлы, күлкили, қонымлы етип атқара алмаўы мүмкин. «Импровизация усылы көркем өнердиң барлық түрлеринде (көркем әдебиет, музыка, театр, жиповис, хореография) бар болған көркем әдебий қубылыс болып табылады. Бул көркем әдебий қубылыс таярлықсыз суўырып салыў, хәзир жуўаплы, төкпе талант, тәбийғый таланттың сол заматта туўылыўы, сөз тапқырлығы қасийетлерине ийе болады» [1:40-41; 2:152].

«Лаплар жанрлық жақтан күлкили әңгимелерге (анекдотларға) жүдә жақын турады. Бирақ, оларда күшли гиперболалық, фантастикалық элементлердиң пайдаланыўы хәм диалог тийкарында қурылыўы лапларды күлкили әңгимелерден (анекдотларға) ажыратып турады. Күлкили әңгимелер ғалабалық күшли болса, лаплар тийкарынан профессионал атқарыўшылар тәрәпинен аскияшы (лаққы) хәм қызықшылар репертуарында көзге тасланады.» [4:22].